

АССАЛОМ, НАВҚИРОН ПАЛЛА!

Үн етти! Айни ёшлик палласи!
Навқирон кучга тўлган пайт. Агар уни инсон умрига қийсласак, камолот йўлидаги муҳим босқич, муҳим зинапоядир. Бу йилги кузнинг шуқуҳи, жозибаси ҳам ўзгача! Негаки, мустақилликка эришганимизга роппа-роса ўн етти йил тўлди!

Албатта, ҳар қандай эзгу иш самараси унинг умр ёши билан ўлчанмайди. Юртимиз ушбу қисқа мuddат ичида асарларга татиқли ишларни амалга оширди. Ўз тақдирини ўз қўлига олган халқимиз ғайрат-шижоат билан бунёдкорлик ишларига киришди. Энди юртимиз ўзини тенглар ичра тенг ҳисоблаб, 220 дан зиёд катта-кичик давлатлар билан алоқа ўрнатди. Миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимиз қайта тикланди.

Унинг аксарият қисми экспортга чиқарилиб, давлатимиз хазинасини бойитмоқда. Бу кўнгилларимизни тоғдек кўтарадиган ёрқин мидсол эмасми?

Бу ерда завод эмас, бутун бир шаҳарча дунёга келди. Янги шаҳарчага Ўзбекистон Қахрамони, Халқ шoirи Абдулла Орипов "Элобод" деб ном қўйди. Шоирнинг оқ фотиҳаси билан қўлуғ ном олган ушбу шаҳарча чиндан ҳам йилдан-йилга кўркамлашиб, ўз номига муносиб ҳолда обод бўлиб бормоқда. Президентимиз бу ерга ташриф буюрган чоғида элободликлар шаҳнига ибратли сўзларни айтди. Чиндан-да, Элобод шаҳарчаси, ундаги сода заводи Устюртдаги XXI аср мўъжизасидир!

унтмайди. Юртбошимиз БМТ минбаридан туриб, дунё мамлакатлари диққатини Орол денгизи муҳофизига жалб қилди. Нукусда Орол денгизига доир экологик аҳвол муҳокама этилиб, Оролбўйи аҳолисига ёрдам бериш режалари ишлаб чиқилди. 1995 йили эса ушбу масала юзасидан Нукус декларацияси қабул қилинди. Унда дунё жамоатчилиги диққати Орол муаммосига қаратилди.

Улуғ шоиримиз раҳматли Ибройим Юсуповнинг шундай мисралари бор:

**Сиз билан биз макон қурган
Бу тупроқда бари ҳам бор.
Экин эксанг тикка турган,
Гўёида дори ҳам бор.**

**Нор қамшили кўлларида
Улар сазон, бўргелари.
Янголнинг гулларида
Асал йиғар ҳарралари...**

Қорақалпоғистон 165,7 минг квадрат километр майдонни ишғол этади. Бу ерда Д.Менделеев жадвалидаги барча элементларнинг 90 фоизга яқини мавжудлиги — бу, бехисоб бойлигимиздир. Берилий бобомиз заминимизда 300 дан зиёд минерал моддалар борлигини ёзиб қолдирган. Бу факрни мустақиллик даврида олиб борилган илмий-тадқиқотлар тасдиқлади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистоннинг Устюрт ҳудудида нефт-газ потенциалини ўзлаштириш истиқболи" ҳамда Қорақалпоғистоннинг Жомонсой майдончасидаги қимматбахо, сийрак учрайдиган рангли металл конларини геологик текшириш потенциалини ўзлаштириш тўғрисидаги қарорлари қабул қилинди. 2004 йилдан бошлаб ушбу қарорларни амалга ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди. Пировадидда, Жомонсой майдончасини текшириш бўйича халқаро тендер эълон қилиниб, унда Навоий тоғ-металлургия комбинати ғолиб бўлди.

Бугунги кунгача топилган газ захира-си эса 250 миллиард куб. метрдан ошиб кетди. Қўнгирот, Мўйноқ туманларида янги нефт конлари очилляпти. Борсаке-мас ва Қоруамбет конларидаги минерал тузлар, Қоруамбет, Қоратов атрофлари-дан олинayтган миллион-миллион куб. метр фосфорит, оҳак минераллари, Султонувайистог, Белтов тепаликлари, Устюрт саҳросида топилган гипс мине-раллари ҳам бехисоб бойлигимиздир.

Мустақиллик тўғрисида мана шу бой-ликларнинг эгасига айландик.

**Шуқур, бу кунга ҳам етиб келдик биз,
Ушбу тоғни тўғу қалбимда тошар.
Ассалом, сенга, бу элнинг куз,
Жомоний кўлф уриб, захимни очар.**

**Ватан туйғусига тўймайин зинҳор,
Эзуликка жоним доим пайваста.
Мардона ишларинг ҳар гўшада бор,
Майли, жаҳон боқсин унга ҳавасда!**

**Тошкент гўзаллиққа тинмасдай бугун,
Қанотини қоқиб, сенга учарман.
Зиғирлаб бахти она ҳайкалин,
Биз шахримни онам каби кучарман!**

**Бозорбой СЕЙТАЕВ,
қорақалпоқ шoirи**

Ҳар йили сентябр ойи бошланишида, театр санъати мух-лисларини ҳаяжон босади. Сабаби, улар театрларнинг янги асарлари юксак савияда бўлишини, ўзлари эришган аввалги ижодий ютуқлар билан чегараланиб қолмаслик-ларини истайдилар.
Театрнинг ривожини янги-янги томошабинларни ўзига жалб этиши билан боғлиқ. Бунга театрнинг ички тузил-масини мустаҳкамлаш, янги ижодий ечимлар эвазига эри-шилади. Ҳўш, театр жамоалари бугун нималарни орзу қилиб, нималарга интиломқдалар? Томошабинларни янги мавсумда нималар кутмоқда?

— Ҳар йили янги мавсумни янги ижодий режалар билан бошлаймиз, — дейди Ўзбекистон давлат академик Катта театри директори **Бахтиёр ЕЎҚОВ**. — Агар биз томошабинларнинг маънавий эҳтиёжларини қондирамасак, улар те-атрга келмай қўядилар. Утган мавсум охирида композитор Мустафо Бафоевнинг янги — "Севгим самоси" асарини яратиб билдикки, фақат жиддий ишла-нишига театрни замонавий санъат май-донига ушлаб туради.

Сўбатдан маълум бўлдики, театр-нинг бугунги фаолияти янги мав-сумнинг апрел-май ойларида бўлиб ўтадиган иккинчи халқаро опера балет санъати фестивал-ини тайёрлаш ҳамда ўтказиш ишлари билан боғлиб кетган. Бу фестивал биринчисидан анча фарқ қилиб, унда ўндан ортиқ хорижий давлатларнинг энг истеъдодли хонан-да, рақос ва рақосчалари иштирок этишлари мўлжалланмоқда. Театрнинг режиссёр ва балетмейстерлари янги давларда Ўзбекистон давлат консерва-торияси ва Олий ракс мактабини тамом-лаган йигирмага яқин ёш ўйинчиларни ҳамда нобэ овоз соҳибларини репер-туардаги спектакллarga тайёрламоқда-лар. Саҳнага илк бор қадам қўйдиган ёш санъаткорлар шу мавсумда биринчи марта саҳналаштирилмадан улуг рус композитори Н.А.Римский-Корсаков-нинг "Шоҳ қайлиғи" ва таниқли компо-зитор Ф.Янов-Яновскийнинг япон до-стоналари асосида яратилган "Чин инсон муҳаббати" опера ва балетларида иш-тирок этадилар. Машхур италян ди-рижери Пиер Доменик Донелли ноябр оyiда юртимизда бўлади ва театрнинг барча хонандалари, дирижёрлари учун махсус маҳорат дарсларини ўтади, бир неча спектакллarga дирижёрлик қила-ди. "Асосий мақсад, — дейди Б.ЕЎқов, — ўзбек томошабинлари ва пошта-т меҳ-монларининг опера ва балет санъатига муҳаббатини кучайтиришга ҳамда юрти-мизда ягона бўлган катта театрнинг мақомини янада оширишга қаратилган".


Ўзбек Миллий академик драма теат-ри директори, Ўзбекистон халқ артисти **ЁЎқов АҲМЕДОВ** янги мавсум тайёрла-ликлари ҳақида шундай деди:
— Театр фақат томоша кўрсатилади-ган ва ҳордиқ чиқарадиган жой эмас, бу даргоҳ тарбия маскани ҳамдир. Бугун театрими фаолиятини кўпроқ томоша-бинни фикрлашга, унинг қалбига ке-чаётган барча ҳис-туйғуларини юзига чиқ-аришга ва инсонлар орасидаги турли му-носабатларни саҳнага олиб чиқишга қаратмоқчи. Инсон дунёга яшн ном қолдириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун келади. Шундай экан, биз ҳар бир янги асарни элақдан ўтказиб, унинг маънавий ва фалсафий юқини аниқлаб томошабинга тақдим этишга ҳаракат қилишимиз керак. Янги мавсумда шундай асарлардан бири бўлган, ҳали бирор марта саҳналашти-

рилмаган Иzzат Султоннинг "Бир оила-вий сир" асарини кўймоқчимиз. Иккин-чи асар Кўчкор Норқобилнинг "Биз ҳам одамимиз", драмасы. Уйлаймизки, бу асар ҳам томошабинларни бефарқ қолдирмайдн. Театримизнинг исте-теъдодли актёри Фарҳод Абдуллаев ўзини режиссура соҳасида си-наб кўриб, Эркин Хушвақтовнинг "Рах" асарини саҳналаштирмоқчи.

— **Айтинг-чи, сизни бугун нима-лар ташвишга солади?**
— Албатта ижод, иш жараёни муам-

Сergeй Каприеловга бир неча саволлар билан мувожаат қилдик.
— **Sergeй Сергеевич, янги иш жойидаги дастлабки таассуротларингиз қандай?**
— Жамоа менга меҳр билан театрнинг барча ашиklarини очиб берди. Бўёғи энди мендан. Ягона мақсадим шу теат-рининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш, санъаткорларнинг профессионал дара-жасини кўтаришга ҳисса қўиши, томо-шабинларга янги-янги мусиқали спек-такллари тақдим этиши. Бу асарлар эр-танги кун талаблари билан саҳналаш-тирилиши, замонавий мусиқали театр талабларига лойиқ бўлиб, томошабин-ларни, айниқса, ёшларни ўзига торти-ши лозим. Сизга яхши маълум, замона-вий мусиқали театр талаблари кундан-кунга ошиб бормоқда. Шу маънода театрда баъзи кам-чиликлар кўзга ташланади. Бу ерда сценография ва ижроичилик масаласи, яъни вокал санъати, хонандаларнинг актёрлик маҳоро-рати анчагина ишларини ва ишларини талаб қилади. Биз бу борада ишлагга тайёрмиз. Энг асосийси, Маданият ва спорт ишлари вазириги театри-мизнинг тақлиф ва илтимосларини инобатга олиб, шу янги ўқув йилидан Ўзбекистон дав-лат санъат инсти-тутида театрими-зи махсус курс ташкил қилди. Бу, ал-батта, театримизга билдирилган ишонч. Бу ишончнинг оқлашимиз шарт.
— **Томошабинларни янги мавсум-да қандай асарлар кутмоқда?**
— Таниқли россиялик композитор Александр Колкернинг "Кречинский тўйи" асарн устида ишламоқчимиз. Бу асар аслида мюзикл жанрида яратилган бўлиб, иштирокчилардан жуда катта маҳоратни талаб қилади. Иккинчиси эса Карло Гоццининг "Маликаи Турандот" асари. Бу асар мусиқасини таниқли композитор Валерий Сапаров яратмоқда.
— **Миллий ва замонавий драма-тургия масаласида қандай режалар-рингиз бор?**
— Бу масала бизни ўйлантирмоқда ва шовилтирмоқда. Ўзбекистон халқ шoirи, драматург Анвар Обиджон, Раим Фарҳодий, Исфандиёр ва Санжарали Имомовлар билан ҳамкорлик қилмоқи-миз. Саҳнамизда тез арада замон қаҳра-монлари, айниқса, ёшлар образи ўз ўрнини топади, деб ишонаман.

**А.РАҲИМОВ,
"Ўзбектеатр" бирлашмаси
ахборот бўлими бошлиғи**



лажаги буюк давлат" деган янги гоя ёрқин акс эта бошлади.

Ортбошимиз халқимиз онгига уй-ғонган бу гояни янада чуқурлаштириб, "Ўзбекистонни — буюк мамлакат, деб далиллаш учун барча асослар бор. Рес-публикамизда ҳамма нарса: табиий бой-ликлар, серхисил замин — ҳосилдор ер, иқтисодий ва илмий-техникавий, инсо-ний ва маънавий салоҳиятимиз ҳам етар-ли. Энг муҳими, бу дийрда меҳнаткаш ва қобилиятли халқ яшайди" деганди.

Албатта, буларнинг барчаси Ўзе-бекистон халқи билан бир оилада, тотув-лиқ яшаб келаётган қорақалпоқ хал-қига ҳам тегшлидир. "Ўзбекистоннинг тақдирини — Қорақалпоғистоннинг тақдирини, Қорақалпоғистоннинг тақдирини — Ўзбекистоннинг тақдирини, деб айтган-ди Юртбошимиз..."

Қўшли дийримизда ушбу ўн етти йил мобайнида катта бунёдкорлик иш-лари амалга оширилди. Асримизнинг йирик иншооти, Марказий Осиёдаги улкан корхона — Қўнгирот сода заво-дининг барпо қилиниши мустақиллик даври мевадорлигини бири бўлди. Зава-да 1090 киши иш билан тазминланган. Йилига 190 минг тонна кальций содаси

Қорақалпоғистонда бундай мустақил-лик иншоотлари оз эмас. Ҳўжайли шиша идишлар заводи, "Марказий Осиё бе-зак тошлари" қўшма корхонаси, Қўн-ғиротдаги карбид, Нукусдаги мәрмар ва кабел заводлари, Навоий — Нукус те-мир йўли, Қўнгирот — Бейнов автомо-бил йўли каби мустақиллик даврида амалга оширилган улғувор бунёдкорлик ишларидан қувонмай бўладими!

Ҳозир узунлиги 243 километрлик Туюмйўли — Нукус ва узунлиги 112 ки-лометрлик Нукус — Тахтақўпр сув узатиш тармоқларининг ишга туширил-гани гоят савоб ишлардан бири бўлди.

Ҳар қандай эзгу савъ-ҳаракатнинг рўёбга чиқишида, шубҳасиз, оқилона раҳбарлик муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Нукус шаҳрининг 70 йиллик юбилейига бағишланган тан-танали йиғилишида пойтахтимизга "Дўстлик" орденини топшираётиб, "Ўзини нафақат ўзбек, балки қора-қалпоқ халқининг ҳам фарзанди деб ҳисоблаш менга ҳар доим куч-қувват ва қанот бағишлайди. Ўз элим — қора-қалпоғим омон бўлсин, ўз қалъам Нукусим дунё турғунча турсин, — деб айтган сўзларни халқимиз ҳеч қачон

университетининг биология-тупроқшунослик факультети кафедра мудири

"Фидокорона хизматлари учун"
ордени билан

Бафоев Мустафо — Ўзбекистон давлат кон-серваторияси профессори, композитор
ЁЎқов Фуломиддин Тошўлтович (Фулом-жон ЁЎқов) — Академик ва халқ бадийи жамоа-лари дирекцияси хонандаси
Мўминов Қодир Тошқонович — Ўзбекистон" ашула ва ракс ансамбли бадийи раҳбари

"Меҳнат шухрати" ордени билан

Абзалов Мелис Орипович — Ўзбекфильм" киностудияси кинорежиссёри

МУКОФОТ МУБОРАК!

фильм" киностудияси кинорежиссёри
Шаҳобиддинов Аюб Шопатхиддинович — "Ўзбекфильм" киностудияси режиссёри

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози"

Хан Владислав Николаевич — "Севинч" аёл-лар футбол жамоаси бош мураббийи

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи"

Аманмуродова Ақгуль Чариевна — Теннис бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзо-си

Дониёров Тўлашбой Ашуралевич — Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзо-си

Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маъ-навиятини юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳала-рини ривожлантиришдаги хизматлари, Ва-танимиз мустақиллигини, юртимиздаги тин-члик ва барқарорликни мустаҳкамлаш иш-ига қўшган муносиб хиссаси ҳамда кўп йил-лик жамоатчилик фаолияти учун қуйидаги-лар мукофотлансин:

"Буюк хизматлари учун" ордени билан

Ганиева Сўйима Ганиевна — Тошкент дав-лат шарқшунослик институти мумтоз филология кафедраси профессори

Исмоилов Хошимжон (Абдухусин Исмои-лов) — Юнус Ражабий номидаги "Маком" ансам-бли бадийи раҳбари

Раҳимов Мирзааҳдхам Мирзаҳакимович — Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий

Абдусаматов Ҳафиз Шоаҳмедович — Ўзе-бекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшу-нос

Иброҳимов Оқилжон Акбарович — Санъат-шунослик илмий-тадқиқот институтининг мусиқа тарихи бўлими мудири

Махдумов Фарҳод Шаақатович — Ўзе-беки-стон миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телеканалининг "Ахборот" информацион дастур-лар бош муҳарририяти сийсий шарҳловчиси

Махсудов Миртожибой Махсудович — Мўқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий теат-ри ижроачи рассоми

Мирзааҳмедов Мираббос — Ўзбекистон мил-лий телерадиокомпанияси "Оталар сўзи" — ак-дининг кўзи" курсатуви режиссёри ва бошловчиси

Мирзахидов Мирсобиёр — Ўзбекистон мил-лий телерадиокомпанияси республика телера-диомакраси бош директорининг биринчи ўрин-босари — Тошкент телемакраси директори

Митанов Холмурод Абдурасулович — "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи му-қовалаш цехининг қолбус участкаси бригадирини

Нийёзов Раъшан Шооусупович — "Устазода" корхонаси ганч ўймакчори

Раҳимжонов Марғуба Ёқубовна — "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси муқо-валаш цехи машинисти

Хамроева Гул Раззоқовна — Тошкент дав-лат миллий рақс ва хореография олий мактаби ректорини

Юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатла-раро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкам-лаш, жамиятда меҳр-оқибат ва баргире-ндлик гояларини қарор топтириш борасида-ги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқла-ри билан Ватанимиз обрў-эътибори ва

шон-шухратини юксалтиришга қўшган хис-саси учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Дўстлик" ордени билан

Авезов Сотимбой (Сотим Аваз) — "Урганч оқшоми" газетаси муҳаррири, Ўзбекистон Ёзув-чилар уюшмаси аъзоси, публицист
Базарбаева Нурул Алимбаева — Навоий вилояти, Қониев тумани маданият ва спорт ишла-ри бўлими "Жас тулек" ансамбли бадийи раҳбари
Власов Дмитрий Геннадьевич — "Ўзбекфильм" киностудияси мультфильмлар режиссёри

Исмаилов Холмаҳмад — "Хунарманд" уюшмаси аъзоси, қуллоқ

Кучеренко Людмила Михайловна — "На-родное слово" газетаси маъсۇл котиби

Муродова Дилора Аҳмедовна — Ўзбеки-стон давлат консерваторияси ректорини

Тошматов Зухра Шухратовна — "Офарин" замонавий рақс театри солисти

Эшонқулов Махмуджон — Ўзбекистон Ба-дийи ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рессом

Урмонов Турсунали — Ўзбекистон Ёзувчи-лар уюшмасининг адабий маслаҳатчиси, шoir

Фуломова Гулнора Урибоевна — Ўзбеки-стон давлат табият музейи бош фонд сакловчиси

Мамлакатимизда амалга ошириляётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохот-лардаги фаол иштироки, самарали меҳна-ти, ёш авлодин Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат ру-ҳида тарбиялаш ишига қўшган хиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Шухрат" медални билан

Жўраева Зинура Абдукаримовна — Дю-до бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзо-си

Зиёнов Хуршид Жавидович — Ўзбеки-стон Бадийи ижодкорлар уюшмаси аъзоси, гра-фик рессом

Зайниддинов Сирожиддин Савронбеко-вич — Ўзбекистон миллий параноимия асо-циацияси спортчиси, шахматчи

Икромов Сайфулла Ҳамдамович — "XXI аср" газетасининг Қашқадарь вилояти бўйича муҳбири

Исмоилова Ирода Исмоил қизи — "Ўзе-бек-рак" миллий рақс бирлашмаси рақосчиси

Исроилов Баҳодир Исмоилович — Тош-кент шаҳар Бобур номидаги маданият ва исти-роҳат боғи раҳбари

Йўлдошев Раъшан Сотиболдиович — Ўзе-беки-стон Бадийи ижодкорлар уюшмасининг Наман-ган вилояти бўлими аъзоси, маҳобатли безак рессоми

Камалов Азат Жақиликович — Нукус те-лерадиомакрасининг тасвир монтаж гуруҳи бошлиғи

Мирзахўжаев Саидхадмад Турсунхўжае-вич — "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи етакчи муҳаррири

Наурзалиев Руслан Маратович — Акаде-мик эштак ашиш бўйича Ўзбекистон терма жа-моаси аъзоси

Ортиқов Эшпўлат Рўзиевич — Бухоро санъ-ат коллежи ўқитувчиси

Раҳматуллоева Махсуда Турғунбоевна — "Янги авлод форуми" болалар ижодиёти маркази директори

Раҳмон Чоршанби Ҳайдарович — Қашқ-адарь вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи ўринбосари — бош муҳандиси

Султонов Ислам Исмоилович — "Хуррият" газетаси бўлим мудири

Султонов Рафқижон Мамасолиевич — Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Тожиқўжаев Тўлаған — Ўзбекистон Бадийи ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош

Уманов Нурлан Октамович — "Маърифат" — "Учитель Ўзбекистана" газеталари бош муҳар-рири ўринбосари

Холодова Наталья Юрьевна — Сурхондарь вилояти, Термиз олимпиа захиралари коллежи-нинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

Шевц Владимир Александрович — "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси қолп-лар тайёрлаш цехи оператори

Шомануров Шоолим Шоисломович — "Хунарманд" уюшмаси аъзоси, миниатюрчани наққош

Эгамов Рамазон — Навоий вилоят ўлкашу-нослик музейи директори

Эрматов Ҳабиба Раҳимовна — Республи-ка маънавий тарғибот марказининг Жиззах ша-ҳар бўлими тарғиботчиси

Урмонов Музаффар — Фафур Фулом номи-даги нашриёт-матбаа ижодий уйи ишлаб чиқ-ариш бўлими бошлиғи

Фатоева Зарина Аҳмедовна — "Офарин" замонавий рақс театри солисти

Қуватов Умурузок Йўлдошев — Қашқа-дарь вилоят ашула ва рақс ансамбли хонандаси

Ғайбуллоева Манзура Суруновна — На-воий вилояти, Карман туманидаги 25-максус мактаб-интернатининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси.

Давлатимиз раҳбарининг Фармонига би-ноан мустақиллигининг ўн етти йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқти-содий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи мамлакатимизнинг юксак мукофотлари бил-лан тақдирландилар.

Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарь вилояти бўлимининг маъсۇл котиби **Ҳайтон Артуқбаева** (Ҳайтон Ортиқбаева), Ан-дихон вилоятидаги "Чулпон" жағмарасининг фахрий раиси, шoir **Низомов Тўлан** (Тўлан Ни-зом) ва Қорақалпоғистон Республикаси "Маъна-вий тарғибот" маркази раиси **Улмамбет Хожа-назаров**, "Жиззах овози" газетаси бош муҳар-рири **Акрам Иномов** — "Эл-юрт хурмати" ордени-га сазовор бўдилар.

Бош

Алишер Навоий газалларининг Францияда нашр этилган тўпламига гўзал миниатюралар ишлаб, бу қадимий санъат ихлосмандлари назарига тушган бухорлик рассом Жаҳонгир Ашуров ажодларимиз маънавий меросини, миллий кадриятларни тиклашга қаратилган яна бир хайрли ишга қўл урди. У туркиялик санъатшунос, қадимий осори-атиқалар сақловчи Семехоним Баламанинг Истанбулдаги Ислмо тарихи, санъати ва маданияти халқаро тадқиқот маркази — IRCICA ва Урта Осиёни ўрганиш француз институти — IFEAS хомийлигида тайёрлаган "Абри баҳор санъатини Бухорога қайтариш" лойиҳасини амалга оширишда фаол иштирок этди.

Айни баҳор чоғи уфқдаги оппоқ булутларга эрта тонгда ёқуд кўш ботиши олдидан назар солганмисиз? Эътибор қилган бўсангиз ўша чоғда момиқдек

ди биз билан сўхбатда лойиҳа муаллифи Семехоним Баламан. — Сўнгра абри баҳор Хирот, Табриз, Қазвин, Исраҳон ва Ҳиндистон китобат санъатида ривожлантирилди. XV асрда бу санъат Туркияда олтин даврни бошидан кечирди. XVIII аср охирида яратилган икки юздан зиёд бухорча беазки абрўлар бу ижодий изланишнинг яқини бўлди.

Халқ амалий санъати

— Турк мусаввири Хикмат афанди юртига қайтаётган ўзбек шоғирлига оқ фотиҳа берар экан, маҳаллий усталар орасида оммалашиб кетган бир гапни эслатди.

абрў каби усулларини ўрганди, уларни Бухоро абри баҳор беазкалари билан уйғунлаштириш борасида ижодий изланиш олиб борди. Жаҳонгир томонидан Истанбулда яратилган икки юздан зиёд бухорча беазки абрўлар бу ижодий изланишнинг яқини бўлди.

— Илгари бизда Абри баҳор санъати "Бухорода туғилди, Эронда ном олди, Туркияда мангу қолди", деган нақл бор эди. Аммо халқаро лойиҳа шарофати, устозлар ва сенинг сазй-ҳаракатинг туфайли бу кўҳна санъат яна Бухорога қайтди. Бироқ бу ишни поёнига етказишнинг учун кўплаб абрўчи шоғирлар тайёрлашнинг керак.

— Жаҳонгир Ашуров абри баҳор усулида яратилган асарлари солинган икки жомадон билан Туркиядан қайтганида кўпчилик унинг шахсий кўргазмасини ташкил этишни кутган эди. Аммо мусаввир бундай қилмади. У Бухородаги хунармандчиликни ривожлантириш марказида ушбу санъатга қизиққан ёшлар учун мастер-класс машғулотларини ташкил этиб, табиий бўёқлар воситасида сув бетиде яратилган гузаликни китобат қоғозга кўчириш технологиясини ўғил-қизларга ўргатди. Биринчи машғулотдаёқ ўндан зиёд ёшлар

Жаҳонгир Ашуровдан бу санъат сирларини ўрганиш учун шоғирликка қабул қилишни илтимос қилишди. Демак, асрлар оша яна Бухорога қайтган абри баҳорнинг эртаси порлоқ.

Абдужалил ХАЛИЛОВ



СУРАТДА: Жаҳонгир АШУРОВ шоғирлари билан.

АБРИ БАҲОРНИНГ ҚАЙТИШИ

булутлар қизғиш, сарғиш, кўкимтир, олтинсимон ва бошқа рангларда жилланиб, ажиб гўзаллик касб этади. Китобат билан шугулланган ажодларимиз — мохир хаттотлар, мусаввирлар оппоқ саҳифага матн ёзиш, ёқуд нақш чизиш олдидан қоғоз фонига ана шу кўклам чиройини кўчириб, кўлёмани беаз — абри баҳор санъатини кашф этганлар.

Аммо бу беаз санъати технологияси шу даражада мураккаб эдики, барча усталар ҳам абри баҳор билан шугулланишга ботиномасдилар. Бу ишга киришиш олдидан махсус идишга сув солиниб, унда китра эритилган. Унинг натijasида сувнинг юзиде бўёқ билан сурат чизиш имконини берадиган қатлам ҳосил бўлади. Табиий бўёқларга эса молнинг ўт пуфагидан олинган зардоб қўшилгач, ранглар бир-бирига қоришмаслик хусусиятига эга бўлади. Ана шундай ашёлар тайёр булгач, мусаввир олтин думидан тайёрланган мўйқалам ёрдамида бўёқларни навбатма-навбат сув бетига суратиб, ранг-баранг шакл ва расм чиза бошлайди. Товус патидек жилланган нозик нақшларни тайёрлаганда устага турли катталикдаги игна тароқлар қўл келади. Мафтункор композиция яратилгач, мусаввир бўёқлар устига сур қоғоз ёпиб, бир неча соғиядан сўнг уни охиаста олади ҳамда тайёр абри баҳор варагини қуритишга илб қўяди. Қарабиски, боёгина сув бетиде қалқиб турган нақш ва гуллар хаттотлар ишлатиладиган қоғозга кўчиб, бўлажак кўлёмна китобининг энг чиройли саҳифасига айланади.

— XIII асрда бухорлик хаттотлар ва мусаввирлар томонидан кашф этилган абри баҳор санъати туфайли Мовароуннахр шоир ва алломаларининг кўлёмна китоблари нафақат маънавий бойликка, балки ўзбек миллий хунармандчилигининг ноёб ганжисига айланган, — дей-

чиққанамда қатор халқаро ташкилотлар мени молиявий ва маънавий жиҳатдан кўплаб-қувватладилар.

Ушбу халқаро лойиҳани рўёбга чикариш нақадар мураккаб эканига қарамай ўз истеъдоди ва маҳоратига ишонган Жаҳонгир Ашуров бу ишга қатъият билан киришди.

— Лойиҳани амалга оширишга тақлиф қилинганда устозларим бошлаган ишни давом эттиришим лозимлигини, бу эса зиммамга улкан масъулият юклашини дилдан ҳис этдим, — дейди мусаввир.

— Утган асрнинг 60-йилларида ўзбек минатюра санъатини қайта тиклашга киришган устозим Шомаҳмуд Мухаммаджонов 1991 йилда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг бир гуруҳ илмий ходимлари билан ҳамкорликда абри баҳорга иккинчи умр бағишлаш борасида сазй-ҳаракатларни бошлаган эди. Моҳир хаттот, вилоят имомхотиби Гафуржон Раззоқов ҳам бу кўҳна санъатни янги шароитларда ривожлантириш бўйича амалий тажрибалар ўтказган.

— Жаҳонгир Ашуров гарчи мохир му-

ДИРИЖЁРНИНГ САНЪАТИ

да хизмати бор.

Шу йил Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон санъати кечасида ҳам В.Неймернинг энг ёш шоғирди Беҳруз Нейматов ўсмирлар симфоник оркестри билан қатнашиб, концерт дастурини очиб берди. Ёш дирижёрнинг маҳорати мезбонлар олқишига

ўтиш мумкин. Ҳозир уларнинг санъатини ёш авлодга янада чуқурроқ ўргатиш мақсадида мусикашунос олимлар ва жонкуяр ўқитувчилар томонидан илмий-услубий методик қўланмалар, дарсликлар нашр этилмоқда. К.Азимовнинг "Ўзбекистон дирижёрлари". Э.Тошматовнинг "Ди-



сазовор бўлди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бу санъатнинг ривожланганини яққол кўришимиз мумкин. Аммо дирижёрлар меҳнати кўпинча саҳна ортида қолиб кетади. Айниқса, мусикали, опера ва балет спектаклларида бу яққол кўзга ташланади. Маълумки, опера, балет ёки мусикали спектакл якунида актёрлар ва режиссёрлар саҳнага чиқиб томошабинлар олқишига сазовор бўладилар. Саҳна ортидаги оркестр, хор жамоаси ва дирижёр эса кўп ҳолларда унутилади.

Опера, балет ёки мусикали драмаларга тушадиган бўлсак, асарнинг номи, муаллифини, актёрлар исмини, режиссёрини сўраймиз, аммо "Дирижёр ким?" деган савол хаёлимизга ҳам келмайди. Мусиқий асарни саҳнада дирижёр бошқаришини унутмаслигимиз керак.

Ўзбек дирижёрларидан М.Ашрафий, Ф.Шамсиддинов, А.Абдуқаюмов, ҳозирда Э.Тошматов, Ф.Содиқов, Х.Шамсуддинов, Д.Абдурахмонова, Ф.Абдурахимова ва бошқа дирижёрларни устоз сифатида санаб

рижёрлик", Мушегян-Коннованинг "Дирижёрлик" (рус ва ўзбек тилида), Б.Отаевнинг "Дирижёр" китоблари шулар жумласидандир. Шунинг таъкидлаш жоизки, булар дирижёрлик санъати тўғрисида ўзбек тилида чоп этилган дастлабки китоблардир. Машҳур композитор Л.В.Бетховен "Мусика инсон қалбини чақмоқ каби ёритмоғи лозим", деган эди. Бу жараённинг муваффақияти албатта, кўп жиҳатдан дирижёрга ҳам боғлиқ.


Юртбошимиз томонидан 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши юртимизда ёшларга эътибор қай даражада юқори эканини яна бир бор исботлади. Уйлаймизки, барча соҳалар қатори дирижёрлик санъатида ҳам ёшлар ўз истеъдодларини намойиш этиб, халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиладилар. Агар республикамизда ўтказиб келинаётган мусика кўрик-танловлари дастурига дирижёрлик санъати йўналиши ҳам киритилса, бу борадаги ишлар салмоғи янада ортган бўларди.

Хуришд БЕКНАЗАРОВ

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Ўзбек Миллий академик драма театри ижодий жамоаси сизларни, театр санъати мухлисларини Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги байрами билан чин дилдан самимий муборакбод этади.

Азиз халқимизга сизга саломатлик, маънавий баркамоллик, хонадонларимизга тинчлик-осойишталик, қут-барака тилаймиз.



Театримиз эшикларини сиз азиз мухлислар учун ҳамيشа очик. Севимли санъаткорларингиз янги мавсумда ҳам сизларни янги-янги саҳна асарлари билан хушнуд этишга, ҳар бир учрашувимиз, ижодий мулоқотларимиз ҳаётингизда ёрқин из қолдиришига эришиш учун жиддий ҳозирлик кўрмоқдалар.



Сизаек талабчан ва зукко томошабинлар билан ҳамкорлик қилаш биз учун бахт ва шараф.

Айёмингиз қутлуғ бўлсин!

АЗИЗ ВАПАТДОШЛАР!

Мустақил днёримиз ахлини, бағра ватандошларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллик қутлуғ байрами билан самимий муборакбод этамиз.

Истиқлол шарофати билан истеъдодини тўла намойи қилиб, ижодий муваффақиятларга эришайтган санъаткорлар ҳаминша сизнинг хизматингизда.



Озод Ватанини, халқимизнинг эзгу фазилатларини, мамлакатимизда амалга оширилайтган жамини эзгу ишларни қўлаш, тараннум этиш биз учун ниҳоятда шарафлидир.



Энг улуг, энг азиз байрамимиз ҳаммамизга қутлуғ бўлсин!
"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси



“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ ЖАМОАСИ

Халқимиз, барча юртдошларимиз ҳаётимиздаги энг улур ва энг азиз байрам — бизнинг борлигимиз, шону шавкатимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гарови бўлган Мустақиллик байрамини кенг нишонламоқда. Байрам шуқуҳи ватандошларимиз қалбида яратувчанлик кайфиятини, борини асраш ва йўғини яратиш, жондан азиз Ватанимиз фаровонлигини таъминлаш, фарзандларимизни бахтли-саодатли қилиб тарбиялаш ҳиссини янада жўш урдириб юборди.



*Бундай эзу тиллар ҳаммаша
хамроҳимиз бўлсин!*

Келажак авлодларга биздан Озод ва Обод

Ватан, баркамол ворислар қолсин!

Мустақиллик абадий бўлсин!



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Учинчи миң йилликнинг дастлабки ўн йиллиги деярли ортда қолди. XX аср фашизм ва коммунизм ғояси таназзулга учраган аср сифатида тарихга кирди. Тамаддун тараққиёти ва инсониятга қарши қаратилган бу икки зарарли ғоя бузғунчи мафкура сифатида ўз-ўзини емирди ва аянчли қисматига шарт-шароит яратиб берди. Тарих эса уларнинг ҳар иккаласига ҳам адолатли ҳукм ўқиди.

XX аср, шу билан бирга, миллий озошлик ҳаракатлари жаҳон миқёсда ҳар қачонгига қараганда кучайган, миллийлик дунё сиёсий ҳаритасини белгилашда ҳаётбахш омил бўлиб хизмат қилган юз йиллик сифатида тарих мулкига айланган. Утган асрнинг сўнги ўн йиллиги бошида мамлакатимизда давлат мустақиллигининг эълон қилиниши, неча миң йиллик тарихга эга ўзбек давлатчилигининг қайта тикланиши халқимизнинг кейинги юз йилликда эришган энг катта ютуғи бўлди. Қисқа давр ичида мамлакатимиз асрларга тенг йўлни босиб ўтди.

Тарихдан маълумки, оммавий жазолаш ва қийноққа солиш чоралари аввалдан мустабид тузумнинг халқни асоратда ушлаш, қўриқтиш, босим ўтказиш қуроли бўлиб келган. Мустақилликнинг давлатлар ва элларга забт этган ўлкаларда халқнинг норозилиги ва миллий озошлик ҳаракатларини бостириш учун ҳарбий, сиёсий, иқтисодий қатағонларни кенг қўллаган. Россия империяси Туркистон ҳудудининг каттагина қисmini босиб олган, аввал чор Россияси, сўнгра советлар томонидан 125 йил давомида халқимизга нисбатан қатағон ва террорга асосланган мустақиллик сийосатини олиб берди. “Ёзулик империяси” деб ҳисобланган собиқ иттифоқнинг мудҳиш қатағон сийосати салтанат таназзулга юз туғунча давом этди.

Миллий давлатчилигимизнинг қайта тикланиши нафақат миллий, сиёсий, иқтисодий мустақиллик учун, балки халқимизнинг маънавий тараққиёти учун ҳам чексиз имкониятлар яратди. Илм-фан ва маданият тараққиёти, миллий маънавият ва асрий қадриятларимизнинг тикланиши билан боғлиқ бу жараёнда тарих фанининг ўрни ҳамда аҳамияти беқийёсдир. Та-

рихий хотирасиз келажак йўқлиги, тарих — халқ маънавиятининг асоси эканлиги, ҳаққоний тарихни билмасдан туриб ўзликин англаш мумкин эмаслиги, муҳтасар айтаганда, тарихни ҳаққоний тиклаш ва ёритиш зарурати давлат сийосати даражасида таъкидланган.

Жонкуяр тарихчи олим Р.Шамсутдинов таъкидлаётгани бир қатор тарихчи, адабиётшунос, файласуф олимларимиз катта ҳисса қўшишди. Наим Каримов, Шерали Турдиев, Суннатилла Аҳмедов каби олимларнинг бу соҳадаги хизматлари алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, бу соҳада Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ходими, Андижон давлат университети профессори Рустамбек Шамсутдиновнинг таъкидотлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Олимнинг сўнги ўн беш йил ичида яратган 20 дан ортқ китобларида халқимиз тарихининг фожиали саҳифалари ўз ифодасини топган. Чунки, “Қишлоқ фожиаси: жамолаштириш, кулоқлаштириш, сургун” (“Шарқ”, 2003) монографиясида XX аср ўзбек қишлоқининг фожиаси, Ўрта Осиё республикаларида болшевиклар томонидан амалга оширилган кулоқлаштириш ва коллективлаштириш сийосатининг даҳшатли оқибатлари кўрсатилган.

Жонкуяр тарихчи олим Р.Шамсутдинов ҳужжатлар ҳам танаб олинган. Тўпламдан жой олган материалларда совет давлати қатағон сийосатининг асосий ташкил қилувчи ҳужжатларга асосий эътибор қаратилган. Совет давлати ва болшевиклар партиясининг раҳбарлари томонидан 1937-1938 йилларда қабул қилинган турли қарорлар, кўрсатмалар, жойлардаги маҳаллий раҳбарларга юборилган буйруқ-телеграммалар ҳамда республика раҳбарларининг Марказга йўллаган кўплаб маълумотномалари, ҳисоботлари ва ахборотлари орқали бу жараён кенг очиб берилган.

“Қатағон қурбонлари” деб номланган иккинчи китобда 1937 йил 10 август — 5 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги учлик (“тройка”) йўғилишларининг протоколлари келтирилган. “Қатағон даҳшатлари” деб номланган биринчи боб китобнинг ўзига хос сўзбоси бўлиб, унда совет режими 1937-1939 йилларда республикада амалга оширган қатағон сийосатининг бутун даҳшатлари ўз ифодасини топган.

Китобнинг асосий қисmini “Учликнинг мудҳиш ҳукми” деб номланган боб ташкил қилади. Унда мудҳиш учлик ҳукми билан қатағон қилинган 3083 нафар маҳбус ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Маълумотлар ЎзССР НКВД ҳузуридаги “тройка” (учлик)нинг 1937 йилнинг 10,20,29 августдаги, 8, 12, 13, 15, 24, 26, 29 сентябрдаги, 1, 14, 19, 25, 28 октябрдаги, 3, 5 ноябрдаги 1-32-протоколлари баённомаларидан олинган. “Халқ душмани”, “миллатчи”,

қўлаб таъкидотлар яратилди. Бу таъкидотларни яратишга бир қатор тарихчи, адабиётшунос, файласуф олимларимиз катта ҳисса қўшишди. Наим Каримов, Шерали Турдиев, Суннатилла Аҳмедов каби олимларнинг бу соҳадаги хизматлари алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, бу соҳада Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ходими, Андижон давлат университети профессори Рустамбек Шамсутдиновнинг таъкидотлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Олимнинг сўнги ўн беш йил ичида яратган 20 дан ортқ китобларида халқимиз тарихининг фожиали саҳифалари ўз ифодасини топган. Чунки, “Қишлоқ фожиаси: жамолаштириш, кулоқлаштириш, сургун” (“Шарқ”, 2003) монографиясида XX аср ўзбек қишлоқининг фожиаси, Ўрта Осиё республикаларида болшевиклар томонидан амалга оширилган кулоқлаштириш ва коллективлаштириш сийосатининг даҳшатли оқибатлари кўрсатилган.

Жонкуяр тарихчи олим Р.Шамсутдинов ҳужжатлар ҳам танаб олинган. Тўпламдан жой олган материалларда совет давлати қатағон сийосатининг асосий ташкил қилувчи ҳужжатларга асосий эътибор қаратилган. Совет давлати ва болшевиклар партиясининг раҳбарлари томонидан 1937-1938 йилларда қабул қилинган турли қарорлар, кўрсатмалар, жойлардаги маҳаллий раҳбарларга юборилган буйруқ-телеграммалар ҳамда республика раҳбарларининг Марказга йўллаган кўплаб маълумотномалари, ҳисоботлари ва ахборотлари орқали бу жараён кенг очиб берилган.

“Қатағон қурбонлари” деб номланган иккинчи китобда 1937 йил 10 август — 5 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги учлик (“тройка”) йўғилишларининг протоколлари келтирилган. “Қатағон даҳшатлари” деб номланган биринчи боб китобнинг ўзига хос сўзбоси бўлиб, унда совет режими 1937-1939 йилларда республикада амалга оширган қатағон сийосатининг бутун даҳшатлари ўз ифодасини топган.

Китобнинг асосий қисmini “Учликнинг мудҳиш ҳукми” деб номланган боб ташкил қилади. Унда мудҳиш учлик ҳукми билан қатағон қилинган 3083 нафар маҳбус ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Маълумотлар ЎзССР НКВД ҳузуридаги “тройка” (учлик)нинг 1937 йилнинг 10,20,29 августдаги, 8, 12, 13, 15, 24, 26, 29 сентябрдаги, 1, 14, 19, 25, 28 октябрдаги, 3, 5 ноябрдаги 1-32-протоколлари баённомаларидан олинган. “Халқ душмани”, “миллатчи”,



ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ!

РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

азиз халқимизни ҳаётимиздаги энг мўътабар байрам — Мустақиллигимизнинг ўн етти йиллиги билан чин дилдан қутлайди.

Ягона Ватан, ягона оила туйғуси билан яшаётган, гўзал Ўзбекистонимиз бойлигига бойлик, шуҳратига шуҳрат қўшаётган юртдошларимизга, барча миллат ва элат вакилларига яратувчанлик, бунёдкорлик ишларида янги-янги зафарлар тилаймиз.



*Жаннатмақон Ватанимиз
осмони ҳаммаша бегубор,
ҳаётимиз фаровон,
дастурхонимиз файзли ва
тўқин бўлсин!*



31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни



Қатағон мавзусидаги кейинги тўртта китобнинг биринчисига киритилган архив ҳужжатлари Ўзбекистон ва Россия Федерациясидаги турли архивлар, жумладан, Россиянинг ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архиви, Андижон, Фарғона, шунингдек, Украинадаги Херсон, Николаев вилоятларининг архивлари фондларидан олинган. Бундан ташқари, Москвада чоп этилган баъзи тўпламлардаги ай-

“аксилкилобчи”, “босмачи”, “жосус”, “сотқин”, “кулоқ”, “буржуа малайи” каби турли ёрликлар ёпиштирилган ватандошларимизнинг аксарияти миллатнинг фидойи ўғлонлари, зиёлилари, давлат, жамоат, фан ва маданият арбоблари эдилар. Уларга НКВД ертўдаларида тўқиб чиқарилган сохта айбномалар қўйилган.

Учинчи ва тўртинчи китоблардаги ҳужжат ва материаллар 1937 йил ноябр — декабр ойларига тегишли бўлиб, унда Ўзбекистон ССР НКВД ҳузуридаги “тройка” (учлик)нинг 33-37, 43-мажлислари протоколлари (баённомалари) мавжуд. Китобга киритилган атиги олти баённома матнидан шунингча олиш мумкин, 1937 йил ноябр ойда Ўзбекистонда совет режимидаги қатағон сийосати ўзининг энг қўри чўққисига чиққан. Бир ой ичида миңлаб бегубор ватандошларимиз қатағон қилиниб қирғинга учирган. Ҳужжатларда кўрсатилишича, қатағон қилинганлар ахлоқ тузагиш-меҳнат лагерлари ва колонналарида ўта ачинарли аҳволда кун кечиришган. Аксарияти турли касалликлардан, очлик ва ташналикдан, изғирин совуқдан, зулм ва қийноқлардан, оғир жисмоний меҳнатдан ўлиб кетишган, тирик қолганлари эса бир умр ноғирон бўлиб қолган.

1937 йилнинг 12 декабр куни “тройка” (учлик) мажлисларида 625 та “жоний” иш қўрилган. Саққиз кун мобайнида эса 3082 та иш устидан ҳукм ўқилган. Тўртинчи китоб охирига киритилган иловада 1937 йил декабр ойда Ўзбекистон ССРда қатағон қилинган кишиларнинг сони, уларнинг миллий ва ижтимоий таркиби, республикамиз округлари, туманлари, шаҳарлари бўйича қатағон қилинганларга доир маълумотлар келтирилган. Бу илова қатағон даври тарихини ўрганишчи ёш таъқиқотчилар учун бебаҳо манба вазифасини ўтайди.

Албатта, қатағон мавзусидаги ушбу китобларнинг тахлили битта мақола доирасига сиймайди. Таъқиқотчилар келгу-

сида бу мавзуда жиддий илмий изланишлар олиб боришганда профессор Р.Шамсутдинов ва унинг шоғирдлари томонидан эълон қилинган бу китобларнинг аҳамияти янада ортади.

Табиийки, ҳар бир йирик ишда бўлгани, мазкур китоблардаги ҳужжатларни нашрга тайёрлашда айрим нуқсон ва камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Биринчидан, қатағон мавзусидаги архив ҳужжатлари ва материаллари нашрга тайёрланганда ҳар бир китоб охирига кўрсаткичлар (жой ва шахс номлари, тарихий атамалар ва ҳоказо) тузилиши ва изоҳлар келтирилиши лозим эди. Бу изоҳлар ва шарҳларда ушбу ҳужжатларнинг моҳияти воқеа содир бўлган давр контекстида очиб берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги байрам қилинаётган шу кунларда бу китоблар советларга хос “адолатли, тенгҳуқуқли” тузумнинг ғайринисоний, ғайриахлоқий моҳиятини очиб беради, коммунистик ғоя аслида қуруқ сафсатадан иборат чўпчак бўлганини инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан исботлайди. Мазкур китоблар наикчи тарих фани мутахассислари айни чоғда мустақиллик йилларида воғта етган ёшлар, талабалар учун ҳам қимматли манба ҳисобланади.

Тарихни билмасдан туриб келажакни қўриб бўлмайди. XV аср бошларида машҳур аллома Ибн Халдун таъкидлаганидек, «Тарих — бу таъқиқот, ҳақиқатни тиклаш, жамъий нарсаларнинг асоси ва ибтидосини аниқлаш, ҳодисалар моҳиятини ўрганишдир». Бу сўзлар бугун ҳам ўз моҳиятини йўқотган эмас.

Тарих қатларида ҳали ошқор этилмаган, тўз моҳияти очиб берилмаган сирсинаотлар кўп. Шундай экан, профессор Р.Шамсутдинов раҳбарлигидаги жонкуяр олимларимиз бу борада янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Қаҳрамон РАЖАБОВ,
тарих фанлари доктори

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жағғармаси уюшма раиси Абдулла Ориповга акаси
Абдухалил ОРИПОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жағғармаси уюшма аъзоси Тоир Юнусовга турмуш ўртоғи
Гуляна ЮНУСОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети жамоаси меҳнат фахрийси
Абдуллахожи САЙФУТДИНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент мелиорация ва сув ҳўжалиги коллежи томонидан Якубова Камила номига берилган № К 790288 рақамли диплом йўқолгани сабабли
бекор қилинади.



МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ
ХОМИЙ: «МАТЕУТ ГАРҚУТУВЧИ»
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**
Миязилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон миязилимиз:
uzasziyoti@hist.ru
Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55
Назм ва наср бўлими: 233-49-93

Бош муҳаррир
Аҳмаджон МЕЛИБОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмақонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.20.

ЖУМА
КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.
СОТУВДА
НАРХИ
ЭРКИН